



Buxoro davlat universiteti
BUXORO, 200117, M.IQBOL ko'chasi, 11-uy, 2022




@buxdu_uz



@buxdu1



@buxdu1



www.buxdu.uz

«AMALIY MATEMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING ZAMONAVIY MUAMMOLARI»
XALQARO ILMUY-AMALIY ANJUMAN



TOSHKENT DAVLAT
TRANSPORT UNIVERSITETI
Tashkent state
transport university



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI



«AMALIY MATEMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING
ZAMONAVIY MUAMMOLARI»
XALQARO ILMUY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI

A B S T R A C T S
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
«MODERN PROBLEMS OF APPLIED MATHEMATICS AND
INFORMATION TECHNOLOGIES»

МАТЕРИАЛЫ
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
«СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРИКЛАДНОЙ МАТЕМАТИКИ И
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ»

2022-yil, 11-12 may



BUXORO – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
В.И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Бухоро фарзанди, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, кўплаб
ёши изланувчиларнинг ўз йўлини топиб олишида раҳнамолик қилган етук
олим, физика-математика фанлари доктори Ғайбулла Назруллаевич
Салиховнинг 90 йиллик юбилейларига багишланади*

**АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА
АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2022 йил, 11-12 май

БУХОРО – 2022

Проект		eduScrum		Название команды	Члены команды
Истории/задания	Критерии приемки	Сделать	В работе	Готово	
Критерии готовности	Критерии веселья	График сгорания задач		Препятствия	

В итоге работа по SCRUM еще сильнее, чем обычные проекты, помогает развить у учеников soft skills, автономность, ответственность и гибкость.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ВА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

Хўжаев С.С.

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги низом асосида Бухоро давлат университетида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими жорий этилди.

Кредит-модул тизмининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак-Кредит-модул тизими XIX асрнинг иккинчи ярмида даставвал Америка кўшма штатларининг олий таълим муассасаларида жорий этилган. Ўша вақтда олий таълим муассасалари катъий белгилаб қўйилган ўқув дастурлари асосида фаолият юритган.

1969 йилда Гарвард Университетига ўша даврнинг энг илғор фикрловчиларидан бўлган Чарлес Эллион президент этиб сайланди. У кўп ўтмай университетдаги катъий белгилаб қўйилган ўқув дастурларини бекор қилди. Талабалар ўқув дастурида таклиф қилинадиган фанлар орасидан ўзлари хохлаган ва қизиқкан фанларини танлаб, ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. Талабалар ўзлари фанларни танлаётгандар учун университет ўқув дастуридаги фанлар ҳам табиий равишда саралана бошлайди. Замон талабига жавоб бермайдиган, талабаларда қизикиш бўлмаган кераксиз фанлар ўқув дастурини тарқ эта бошлайди. Университет фанлар рўйхати меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Ўз фанларига талабаларни жалб қилиш мақсадида ўқитувчилар ҳам дарсларни сифатини яхшилашга ҳаракат қила бошлайди. Акс ҳолда улар ўқитаётган фан ўқув дастурларидан чиқарилиб юборилиши мумкинлигини хис қилиб, ҳаракатни бошлашади.

Гарвард Университети қатъий ўқув дастурларидан воз кечгандан сўнг, бир қатор саволлар тўғила бошлади. Университетда қатъий белгилаб қўйилган дастурлар йўқлиги, талабалар курсдан-курсга ўтиши ёки университетни битириши кандай меъзонлар асосида амалга оширилиши мумкин?

Бу саволларнинг барчасига жуда оддий ечим топилди. Ҳари бир фанга ўқиш юкламасидан келиб чиқиб рамзий ўлчов бирликлари, яъни кредитлар тақсимланди. Ҳар бир фан муайян микдордаги кредитларда акс этади. Ҳар бир талаба ўқув йили охиригача муайян микдордаги кредитларни тўплаши кераклиги белгилаб қўйилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистондаги нуфузли олий таълим муассасалари ҳам ҳорижий олий таълим муасасасалари тажрибаси асосида кредит-модуль тизими жорий қилинди. Ушбу тизимни жорий этиш мавзусида вазирликнинг масъул мутасаддилари иштироқида ўқув-семинарлари, тренинглар ўтказилди ва профессор-ўқитувчиларга тегишли ахборотлар бериб борилди.

Кредит-модуль тизимини сифатли амалга ошириш мақсадида олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан НЕMIS OTM раҷамли ахборот тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Ушбу тизим олий таълим муассасаларинг серверида жойлаштирилган бўлиб, OTMларнинг административ

ва ўкув фаолиятларини автоматлаштириш, ўкув жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда вазирлик ахборот тизимиға тегишли маълумотларни юклаш вазифаларини бажаради.

HEMIS OTM рақамли ахборот тизимидан фойдаланиш учун ректор, проректорлар, мутахасислар, деканлар, декан мувовинлари, кафедра мудирлари, ўқитувчилар, талабалардан олиҳида билим ва малака талаб этилади. Фойдаланувиларнинг лавозимига қараб рол тақдим этилади ва турли ваколатлар берилади.

Тизимдан фойдаланувчилар интернет тармоғига уланган замонавий русумдаги компьютерлардан, планшет, ёки замонавий мобил курилмалари ёрдамида тизимдан фойдаланадилар.

Бу платформа талабалар учун ҳам профессор-ўқитувчилар учун ҳам жуда катта афзаликларга эга ҳисобланади.

HEMIS OTM рақамли ахборот тизими Олий таълим тизимидағи жараёнларини рақамлаштириш орқали қоғозбозликни олди олинади ва профессор-ўқитувчилар асосий вақтларини билим бериш ва изланиш билан шуғулланишига имкон яратади.

Билим ва илмнинг шаклланиши эса бевосита таълим тизимиға бориб тақалади. Таълим тизими самарадорлигини ўқитувчи савияси, талаба эҳтиёжи, ўкув адабиётлари мазмуни ҳамда мустақил таълимни шакллантиришга қаратилган инфратузилма бевосита таъминлаб беради. Демак, малакали кадрларни тайёрлаш, уларни меҳнат бозори талабларига мувоғиқ рақобатдошлигини ошириш, ижодий фикрлайдиган мутахассисларни етиштириш ўкув даргоҳларида йўлга қўйилган таълим бериш жараёни билан чамбарчас боғлик.

2030 йилга кадар республикадаги барча олий таълим муассасаси (OTM)нинг 85 фоизи, жумладан, 2020/2021 ўкув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимиға ўтказиш кўрсатиб ўтилди.

Кисқа қилиб айтганда кредит-модуль тизими, бу — таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишининг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориши серкирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир.

АДАБИЁТЛАР

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.
- 2.“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2020 йил
3. *Шаронин Ю.В.* Цифровые технологии в высшем и профессиональном образовании: от личностно ориентированной Смарт-дидактики к блокчейну в целевой подготовке специалистов // Современные проблемы науки и образования. – 2019. – № 1.
4. *Абдуллаев, М., Аюпов, Р., Рақамли иқтисодиёт - кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари.* (2020).

LMS ТИЗИМИНИ ЯРАТИШДА БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИ

¹Элов Б.Б., ²Примова М.Х.

¹ТошДЎТАУ, Тошкент, Ўзбекистон

²ЎзМУ, Тошкент, Ўзбекистон

OTMга ахборот технологияларини жорий этиш ва улар асосида LMS тизимларини тадбиқ қилиш ташкилот фаолиятининг технологик ривожланишига ва самарадорликнинг оширишга олиб келади. OTM раҳбариятининг фаолиятда ахборот тизимини ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш ва жорий этиш талаблари ва қоидаларига тўлиқ амал қилишлари орқали кутилган натижага эришлари мумкин.

LMS тизимини яратиша бошқарув жараёнларида умумий холда тўртта босқичда амалга оширилади.

Таҳлил босқичида лойиҳалаштирилаётган тизимга қўйилган қўйидаги талаблар ишлаб чиқлади:

- класслар ва уларга мос бизнес-транзакциялар диаграммалари;
- амалий соҳа жалареёнлари моделлари (диаграммалар) ва уларга мос LMS функциялари;
- предметли соҳа обьектларига мос класслар ва уларга мос «объект-алоқа» диаграммалари;
- LMS фойдаланувчилари, бўлимлар ва хизмат кўрсатиши тузилмаларининг топологияси;
- LMS маълумотларини, ахборотларни ва тизимни ҳимоялаш технологиялари (параметрлари).